



ТУРҒУН СЎЗ БИРИКМАЛАРИ, ТЕРМИНЛАР, ТАРКИБЛИ ТЕРМИНЛАР
БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Шодиев Санъат Эргашевич,

Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: турғун сўз бирикмалар, эркин сўз бирикмалар, фразеологик ибора, термин, таркибли термин, таркибли атамалар.

Тилшуносликда сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви масаласи синтактик тадқиқотларнинг муҳим мавзуларидан бири бўлиб, бугунги кунда, шундай бўлиб келмоқда. Бу соҳада, хусусан, эркин сўз бирикмалари ҳамда фразеологик бириклар қолипидаги турғун сўз бирикмалари тадқиқи хусусида салмоқли ишлар амалга оширилган ҳолда маълум натижаларга эришилди. Сўз бирикмаларининг ўрганилиши ҳолати фикримиз далили бўла олади. Шунга қарамадан, турғун сўз бирикмалари бобида, хусусан фразеологик иборалар турғунлик мақоми ва уларнинг терминлар, таркибли терминлар билан фарқли жиҳатлари борасида изланишлар олиб бориш лозимлиги кўзга ташланмоқда.

Турғунлик мақоми билан терминлар, шу жумладан, таркибли терминлар ҳам характерланади. Бироқ уларнинг фразеологик ибора жумласига кириши ёки кирмаслиги фақат шу белгига қараб белгиланмайди. Зотан, таркибли терминларнинг барчаси, ибора бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, турғундир. Бу ўринда яна маъно мажозийлиги, образлилик, тилда тайёр ҳолда мавжудлик каби масалаларга мурожаат этишга тўғри келади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тилшуносликда таркибли терминларнинг лингвистик мақоми масаласи бобида олимлар фикрлари муштарак эмас. Баъзи тилшунослар уларни фразеологик ибора санасалар, айримлари, бу ўринда иборага хос сифат ва белгилар кузатилмаслигини

айтадилар. Масалан, проф. В.П.Жуков ҳамда проф. Молотковлар докторлик диссертацияларида таркибли терминлар ибора бўлмаслигини таъкидлайдилар ва бунинг асосий сабаби улар компонентларининг лексик-семантик мустақиллиги сақланишида эканлигини айтадилар [Жуков В.П. -Л., 1967. -С.7; Молотков А.И. -Л., 1971.-С.13].

Таникли тилшунос В.И.Кодухов таълимотида таркибли терминлардан ташқари таркибли атамалар ҳақида ҳам сўз юритилади ва улар фразеологик бирикмалардан фарқланиши кўрсатиб берилади. Бу ҳақда у куйидагиларни ёзади: "...между выражениями **красная девица** и **красная строка**, т.е.между фразеологизмом и составным наименованием, имеется не только сходство, но и различие. Эти устойчивые сочетания отличаются друг от друга тем, что фразеологизм **красная девица** имеет переносное значение, эмоционально и образно обозначая рабкого, застенчивого молодого человека, тогда как составным наименованием **красная строка** (строжка)-название начальной строки абзаца..." [Кодухов В.И. -М., 1986.-С.174].

В.И.Кодухов фразеологик бирикмаларда кузатиладиган эмоционал-образлилик белгиси таркибли атамаларда йўқлигини ва шу боис мазкур икки ҳодиса бир-биридан фарқланишини алоҳида таъкидлайди ва шу билан бирга, таркибли атамалар мураккаб лексемалар эканлигини кўрсатиб беради. В.И.Кодухов таълимотида таркибли атамалар иккига



бўлиб талқин этилади: атоқли от колипидаги атамалар ва турдош от колипидаги атамалар. Атоқли от колипидаги таркибли атамалар содда атоқли отлар каби якка ҳодиса, шахс ёки предметни ифодалайди: **Қора денгиз, Катта айик, Николай Островский, Максим Максимович, Кичик театр** ва ҳ.к.

Турдош от колипидаги таркибли атамалар, содда лексемалар сингари, табиат ва жамиятдаги турли предмет ва ҳодисалар номларини ифодалайди: **темир йўл, оқ шеър, оқ айик** ва ҳ.к. Бундан ташқари таркибли атамалар турли фан соҳаларидаги терминларни ҳам тақозо этади. Масалан, биргина тил сўзи орқали кўплаб таркибли атамалар шакллааниши мумкин: **аналитик тил, инглиз тили, ёрдамчи тил, сунъий тил, адабий тил, ўлик тил, флектив тил, халқаро тил, миллий тил** ва ҳ.к. [Кодухов В.И. -М., 1986.-С.174].

Бизнингча, В.И.Кодуховнинг мазкур мулоҳазалари ҳақиқатга яқиндир, зотан, таркибли атамалар фразеологик бирикмалардан фарқли равишда, мажозий маъно касб этмайди. Шунга кўра, уларни асосиз равишда фразеологик бирикмалар жумласига киритиш масаласи тавсифини чалғитади, холос.

Проф.Н.Ю.Шведованинг масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Ҳозирги рус адабий тили” номли нуфузли асарда ҳам турғун бирикмалар хусусида айтилган фикр ва мулоҳазаларнинг бирмунча чалқаш эканлигини кўрамиз. Бунда куйидагилар таъкидланади: “Номустақил сўз бирикмаларда компонентлари бирининг лексик мустақиллиги заифлашган ёки мутлақо йўқолган бўлади ва у ўз маъносига кўра бутунича мустақил сўзга тенглашади.

Номустақил сўз бирикмаларининг икки тури мавжуд: 1. Жонли синтактик алоқага асосланган номустақил сўз бирикмалари (**дать пощечину, железная дорога**). 2. Синтактик алоқаси ва ўзаро муносабати йўқолган номустақил сўз

бирикмалари(**шутка сказать, удариться амбицию**). Мазкур иккинчи тур том маънода фразеологизмдир” [Грамматика современного русского литературного языка. – М., 1970.-С.767].

Кўринадики, биринчи турни ташкил этаётган турғун сўз бирикмаларини фразеологик иборалар жумласига киритиб бўлмайди. Улар том маънодаги турғун бирикмаларни тақозо этади. Бундан ташқари, бундай бирикмалар компонентларининг бирини ўз лексик маъносидан узоклашган ёки уни тарк этган деб ҳам бўлмайди.

Юқоридагилардан ташқари, бошқа илмий манбаларда ҳам том маънодаги турғун сўз бирикмалари билан фразеологик ибораларнинг кескин фарқланмаганини кўрамиз. Масалан, А.В.Дудкиновнинг бу ҳақда айтилган мулоҳазаларига эътибор берайлик. Унинг фикрига кўра “Фразеология современного русского языка – эта вся масса устойчивых словосочетаний, каторые, как и слова, воспроизводятся, “извлекаются из памяти” (Н.М.Шанский) в готовом виде в момент построение высказывания, состоявя один из его семантическо-грамматических элементов, стоящих по лингвистической градации на один порядок выше слова” [Дудкинов А.В.-М., 1990.-С.117]

Кўринадики, А.В.Дудкинов ҳар қандай турғун бирикмани ҳам фразеологик ибора тарзида талқин этади ва бунинг натижасида билиш назарияси, фразологик чатишма, тригонометрик функция, сигнал системаси каби мураккаб (таркибли) термин ва таркибли атамаларнинг барчаси фразеологик ибора тарзида изоҳланади. Бу ҳақда у куйидагиларни таъкидлайди: “Китобий характердаги фразеологизмлар муайян фанларнинг нутқий услубларида таркибли терминлар тарзида кўп кўлланади” [Дудкинов А.В.-М., 1990.-С.143]

Назаримизда, А.В.Дудкиновнинг мазкур мулоҳазалари билан кўшилиш қийин, зотан, аввал кўриб ўтганимиз



сингари, таркибли терминлар компонентлари кўчма маънода қўлланилмайди. Шу боис, термин ҳолатига келиб қолган бу хилдаги бирикмаларни фразеологик иборалар жумласига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар соф турғун бирикмаларни тақозо этади.

Т.И.Арбекованинг “Инглиз тили лексикологияси” (амалий курс) ўқув қўлланмасида **бадий фильм, ўрта мактаб** сингари бирикмалар ҳам фразеологик ибора тарзида ўрганилади [Арбекова Т.И. -М.,1977.-С.101-102].

Бундай бирикмалар сўнги йилларда “конвенционал фразема” номи билан атала бошланди. Масалан, В.Н.Телия соф фразеология тушунчасидан фарқлаш учун “фразема” терминини қўллайди ва мақолларни, мураккаб терминларни шу ном билан атайди [Телия В.Н; Е.Д.Поливанова, т. 1.-Самарканд, 1964. –С.93].

Агар “конвенция” (лотинча *convensio*) сўзининг луғавий маъносига (шартнома, келишув) эътибор берганимизда ҳам темир йўл, турмуш ўртоғи каби бирикмаларда мазкур сўзнинг луғавий маъноси ўз ўрнини топа олмаслигини кузатамиз. Бошқача айтганда, бу бирикмаларда фразеологик ибораларга хос бўлган асосий белгилардан бири-маъно мажозийлигини кўриб бўлмайди [Словарь иностранных слов.-М., 1988.-С.243].

Рус тилшунослигида Н.Н.Прокоповичнинг ҳам сўз бирикмалари тадқиқи бобида хизматлари эътиборга моликдир. Тўғри, у турғун бирикмалар тадқиқи билан махсус шуғулланган эмас. Бироқ шундай бўлишига қарамай, унинг асарларида бу ҳақда айtilган фикр ва мулоҳазаларни, оз бўлсада, кузатамиз.

Н.Н.Прокопович сўз бирикмалари табиатини мукамал ўрганишда турғун бирикмаларнинг ҳам ахамияти салмоқли эканлигини таъкидлайди ва бундай бирикмалар Ф.Ф.Фортунатов даврларидан буён турғун деб (Фортунатов терминологиясига кўра “ажралмас

бирикма”-слитные речение) аталиб келинаётганини эслатиб ўтади [Прокопович Н.Н.-М., 1966.-С.36].

Шуни ҳам айтиш лозимки, Ф.Ф.Фортунатов “ажралмас бирикма” тарзида ўрганган сўз бирикмалари ҳозирги бирикмаларда ҳозирги тилшуносликда кўпроқ фразеологик ибора тарзида изоҳланмайди. Олим бу сингари турғун бирикмаларни бир сўз (ягона) қолипида келувчи бўлинмас (мураккаб) сўзлар билан қиёслайди ва уларнинг бири мустақил сўз (Москварека) тарзида, иккинчи эса сўз бирикмаси қолипидаги келишини алоҳида таъкидлайди [Фортунатов Ф.Ф. –М., 1956.-С.173-174]. Айтиш жоизки, Ф.Ф.Фортунатовнинг таълимотида гап ҳам кенг маънода сўз бирикмаси сифатида талқин этилади.

Гарчи сўнги йилларда унинг сўз бирикмаси хусусида айtilган мулоҳазаларига баъзи тилшунослар танқидий назар билан қараётган бўлсаларда, мазкур мулоҳазаларнинг кўп жихатлари эътиборга моликдир. Нафақат Ф.Ф.Фортунатов, балки XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида яшаб ўтган рус тилшуносларининг бошқаларида ҳам бундай фикр ва мулоҳазаларни кузатиш мумкин. Бу ҳақда В.В.Бурлакова қуйидагиларни ёзади: «Виднейшие представители отечественной лингвистики этого периода повсеместно включали предикативные сочетания, именуя их предложениями в сфере словосочетаний ». Однако нечёткое разграничение, планов, проводимого анализа в этих работах привело позднее к не вполне оправданным критическим замечанием по поводу данных теории. Критика была не совсем справедливой, ибо обсуждались разноязычные единицы носящие одинаковые названные. Действительно, если рассмотреть более подробно одним хотя бы некоторые из так широко критикуемых работ, то можно увидеть, что русские лингвисты, считая предложение законченным словосочетанием или просто одним из



видов словосочетания, не имели в виде единицы коммуникации, а исследовали формальную сторону этих сочетаний [Бурлакова В.В.-Л., 1975.-С.5-6.].

Келтирилган мулоҳазанинг ўзи ҳам Ф.Ф.Фортунатов таълимотида сўз бирикмаси назарияси мукамал ишлашганидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, олим **железная дорога, великий пост** тарзида шаклланган сўз бирикмалари фразеологик иборалардан фарқланувчи турғун бирикмалар эканлигини тўғри изоҳлаб бера олганини далиллайди.

Юқоридагилардан ташқари, баъзи манбаларда “сўз бирикмаси” тушунчаси анча тор маънода изоҳланганини кўрамиз. Фикр исботи учун Н.И.Филичеванинг кўйидаги мулоҳазаларига эътибор берайлик: “Сўз бирикмаси кўлланиш учун тайёр ҳолда бўлмаган, нутқ жараёнида муайян қолипда шаклланган эркин синтактик бирликни ташкил этади” [Филичева Н.И. -М., 1969.-С.13]. Бундан

ташқари, олима сўз бирикмаси учун лексик ва грамматик идиоматик маъно характерли эмаслигини таъкидлайди [Филичева Н.И. -М., 1969.-С.14].

Бизнингча, бу ўринда Н.И.Филичеванинг эркин сўз бирикмалари хусусида айтилаётган мулоҳазаларига эътироз билдириш қийин. Бироқ бундай вазиятда турғун сўз бирикмалари, фразеологик иборалар, парафразалар эътибордан четда қолади. Ваҳоланки, улар ҳам сўз бирикмаларини такозо этади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, турғун ҳолатдаги сўз бирикмалари компонентларининг синтактик муносабати йўқлиги хусусидаги анъанавий мулоҳаза ҳам, бизнингча, изоҳталаб кўрилади. Зотан, турғун бирикмалар компонентлари ўртасида, ҳатто фразеологик бирикмаларда ҳам синтактик муносабат (аксарият ҳолларда статик характерли) кўзга ташланади. Уларнинг тилимизда тайёр ҳолда тасаввур этилиши семантик нуқтаи назардандир.

Адабиётлар

1. Жуков В.П. Фразеологизм и слова // Автореф. докт.дис.-Л., 1967.-С.7; Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка // Автореф. докт.дис.-Л., 1971.-С.13.
2. Кодухов В.И. Введение в языкознание.-М., 1986.-С.174-175.
3. Грамматика современного русского литературного языка. – М., 1970.-С.767.
4. Дудкинов А.В. Современный русский язык.-М., 1990.-С.117, -С.143.
5. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка.-М., 1977.-С.101-102.
6. Телия В.Н. О фразематике как лингвистической дисциплине // Актуальные вопросы современного языкознания и лингвистическое наследие Е.Д.Поливанова, т. 1.-Самарканд, 1964. –С.93.
7. Словарь иностранных слов.-М., 1988.-С.243.
8. Прокопович Н.Н. Словосочетания в современном русском литературном языке.-М., 1966.-С.36.
9. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. –М., 1956.-С.173-174.
10. Бурлакова В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке. -Л., 1975.-С.5-6.
11. Филичева Н.И. О словосочетаниях в современном немецком языке.-М., 1969.-С.13-14

Shodiyev S. Identification of some set expressions, compound terms and terms. This article is devoted to linguistic notions as set expressions, free expressions, (set phrases), phraseological units, terms, compound terms, and compound expressions. The author aims to differentiate among these notions and greatly pay attention to the theoretical value of them.



Шодиев С. Некоторые определения устойчивых выражений, составных терминов и терминов. Статья посвящается изучению таких лингвистических понятий, как: устойчивые выражения, неустойчивые выражения, фразеологические единицы, термины, составные термины, составные наименования. Автор ставит целью дать определение этим понятиям и обращает внимание на их теоритическую значимость.
